


Аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, Пенсия нафақа ва болалар нафақаси белгилашда амалга оширилган ишлар борасида



Аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, Пенсия нафақа ва болалар нафақаси белгилашда амалга оширилган ишлар борасида

1.Туманда 2022 йил 01 сентябрь ҳолатига пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий сони **18359** нафарни, яъни туман аҳолисининг **(185778) 10,1%ни** ташкил этади

Шундан жами пенсия ва ижтимоий нафақа олувчиларнинг **12269** нафар яни **(66,8%)** фоизини ёшга доир, **1852** нафар яни **(10,1%)** фоизини ногиронлик, **1215** нафар яни **(6,7%)** фоизини боқувчисини йўқотганлик пенсия, **3023** нафари яъни **(16,4%)** фоизи эса ижтимоий нафақа олувчиларни ташкил этади.

Шунингдек, **2022 йил январ-август** ойларида жами **1263** нафар фуқароларга янги пенсия ва нафақалар тайинланган.

Шундан **716** нафари ёшга доир, **119** нафари ногиронлик, **75** нафари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчилар, **353** нафари ижтимоий нафақа олувчилар.

Бундан ташқари фуқаролардан 2022 йил **январ-август** ойларида пенсия тайинлаш учун тушган аризалар ўтган **2021 йил январ-август** ойлари билан таҳлил қилинганда ёшга доир пенсиялар тайинлаш **40** нафарга кўпайганлиги, ногиронлик пенсиялари тайинлаш **57** нафарга камайганлиги, боқувчисини йўқотганлик пенсияси **61** нафарга камайганлиги, ижтимоий нафақалар тайинлаш эса **27** нафарга кўпайганилиги кузатилди.

Шуниндек, **2022 йил январ-август ойларида** Олтинсой туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимида жами **1263** нафар фуқароларга янги пенсия ва нафақалар тайинланган бўлса, ушбу даврда **320** нафар пенсия ва нафақа олувчилар вафот этган.

Бундан ташқари, Пенсия жамғармасининг Олтинсой туман бўлими ҳисобида туриб пенсия олувчиларнинг **2022 йил 1-сентябр** ҳолатига ўртача пенсия миқдори **878 678,11** сўми ташкил этади, шундан ёшга доир пенсия **878 338,66** сўм, ногиронлик пенсия **899 999,91** сўм, боқувчисини йўқотганлик пенсия **850 291,53** сўми ташкил этади.

Шунингдек, ёшга доир, 1 ва 2 гуруҳ ногиронлик (стажи йўқ), боқувчисини йўқотганлик ва 1 ва 2 гуруҳ (шунингдек, 18 ёшгача) болаликдан ногиронлик нафақа олувчиларнинг ўртача нафақа миқдори жами **678 511,17** сўми, шундан ёшга доир нафақа **500 000,0** сўм, 1 ва 2 гуруҳ (шунингдек, 18 ёшгача) болаликдан ногиронлик нафақа **703 503,54** сўм, 1 ва 2 гуруҳ ногиронлик нафақа **705 928,68** сўм, боқувчисини йўқотганлик нафақа **645 509,07** сўми ташкил этган.

Туманда **2022** йил саккиз ой давомида **18359** нафар пенсия ва ижтимоий нафақа олувчиларга пенсия ва ижтимоий нафақалар тўлови учун талаб қилинган сум **121 093,5 млн.** сўми ташкил этган, шунингдек бу маблағларнинг пенсия ва ижтимоий нафақа олувчиларга тўланиши доимий равишда назоратга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига фуқароларнинг давлат пенсия таъминотида оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида:

1. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирган кундан эътиборан (1994 йил 1 июль) бугунги кунга қадар **32 маротаба** ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Жумладан, 1994–2016 йилларда **18 маротаба** ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган бўлса 2017 йилдан бугунги кунга қадар **14 маротаба** ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2022 йилларда соҳага оид **37** та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **18** та Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг **19** та қарори қабул қилинган.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-2022 йилларда соҳага оид **17** та қарори қабул қилинган.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 августдаги “Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4797-сонли қарорига мувофиқ, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими бўйича Олтинсой туман бўлимида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида;

Туманда **2022** йил саккиз ойи давомида **20 061** нафар болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчилар тўлови учун талаб килинган сум **63 410,11** млн. сўмни ташкил этиб, бу маблағларнинг болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчиларга Ҳалқ банки томонидан тўланиши доимий равишда назоратга олинган.

Шунингдек, туман бўйича 2022 йил саккиз ой давомида болалар нафақаси ва моддий ёрдам сураб келиб тушган аризалар сони **31 345** тани ташкил этиб, ушбу аризалар туман Пенсия жамғармаси маъсул ходимлари томонидан “Ижтимоий ҳимоя ягона реестр” ахборот тизимида киритилган, шундан “Ижтимоий ҳимоя ягона реестр” ахборот тизими орқали (инсон омилисиз) **11 284** та аризалар **(36%)** рад этилган ва **20 061** та аризалар **(64%)** тасдиқланган.

Бундан ташқари жорий йилнинг сентябр ойи учун “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида **20 061** нафар болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчиларга жами **9 384,68** млн сўм маблағ ажратилган, бу маблағларнинг болалар нафақаси ва ижтимоий нафақа олувчиларга Ҳалқ банки томонидан тўланиши доимий равишда назоратга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Олтинсой туман бўлимига 2022 йилнинг январ-август ойи давомида жами **555** нафар фуқаролардан мурожаатлар келиб тушди.

2022 йил январ-август Олтинсой тумани бўлими томонидан **92** маротаба сайёр учрашувлар ўтказилган бўлиб **3599** нафар фуқаролар мурожаатлари тингланиб ўрганиб чиқилган.

Оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ишлари.

Ҳукуматимиз томонидан Пенсия қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, фуқароларга пенсия таъминоти хизматини кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва Пенсия жамғармаси фаолиятини оммовий ахборот воситалари (ОАВ) орқали аҳоли ўртасида тарғибот қилиш мақсадида жорий йилнинг **январ-август** ойлари давомида **махаллий телевиденияда 1** маротаба, **газеталарда 8** маротаба мақолалар ҳамда **29** маротаба **ижтимоий тармоқларда** мақолалар чоп этилди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Олтинсой туман бўлими томонидан келгуси ишларда ҳам асосий эътиборни пенсионерлар, ногиронлар, жумладан ногирон болалар ҳамда боқувчисини йўқотган болаларнинг ижтимоий ҳимояси ҳисобланган пенсия ва ижтимоий нафақаларни белгиланган муддатларда тўғри тайинланиши ва тўланишига қаратиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун талабларига риоя қилинган ҳолда белгиланган тартиб ва муддатларда тушунтиришлар берилиши, аҳоли ўртасида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни ва Пенсия қонунчилиги бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларга киритилган қўшимча ва ўзгаришлар тўғрисида тизимли равишда сайёр учрашувлар ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилиши ва доимий назоратга олинишини маълум қиламиз.

Соҳага оид қонунлар, қарорлар ва янгиликлар бўйича ҳар-бир маҳалла кесимида тарғибот ишларини кучайтирилиб, амалий ёрдам берилиб келинмоқда. Пенсия жамғармаси тизими томонидан амалга оширилиш лозим бўлган вазифаларни ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида 2022 йил давомида илғор иш услубларини излаб топиш, энг асосийси, ишга маъсулият билан ёндошишни режалаштирганмиз.